

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

2026-yil
22-aprel
CHORSHANBA
№ 32 (13893)

МУЗОКАРА ВА МАНФААТЛАР МАЙДОНИ



Пойтахтимизнинг
“Янги Ўзбекистон”
боғи ҳудудида
“ИННОПРОМ. Марка-
зий Осий” VI халқаро
саноат кўргазмаси
бўлиб ўтмоқда.

Халқаро кўргазма

Кейинги йилларда минтақада-
ги энг йирик иқтисодий ва ишлаб
чиқариш форумларидан бири си-
фатида этилатган мазкур анжуман
бу йил ҳам давлат ва хусусий сектор
вакиллари, йирик саноат компаниялари,
инвесторлар, экспертлар ҳамда халқаро
ташкilotлар иштирокида юқори савияда
ташқил этилди.
Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган
ушбу кўргазма нафақат

янги маҳсулот ва технологияларни
намоиш этиш, балки давлатлар ўртасидаги
иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш,
ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри
мулоқотни кучайтириш, инвестициявий шерикликни
кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни ҳаётга
татбиқ этиш учун муҳим платформа вази-
фасини бажармоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



Ҳамкорлик

Тиббиёт соҳасида янги келишувлар

Вилоят ҳокими ўринбосари
Отабек Султонбеков бошчилигида
Соғлиқни сақлаш бошқармаси
масъуллари ҳамда Корея
Республикаси Кёнгидо провинциясининг
етақчи тиббиёт муассасалари раҳбарлари
билан учрашув бўлиб ўтди.



Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда
вилоятдан 16 нафар мутахассис Кёнгидо
провинциясида малака ошириб, орттирган
илғор тажрибаларини амалиётга самарали
жорий этмоқда. Бунинг натижасида
ҳудудда нейрохирургия, онкология,
интервенцион кардиология, колопроктология
ва артроскопия каби юқори технологияли
жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилди.

Учрашувда томонлар 2026 йилда ҳам
ҳамкорликни изчил давом эттиришга
келишиб олишди. Жумладан, эндоваскуляр
ва эндовизуал хирургия, юз-жағ
жарроҳлиги, болалар ва катталар
артроскопияси, торакал ва неонатал
хирургия ҳамда онкология йўналишларида
вилоятдаги 30 дан ортқ мутахассиснинг
малакасини ошириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг сентябрь
ойида Кореяга юбориладиган делегация
таркибига ўрта тиббиёт ходимларини
ҳам жалб этиш масаласи муҳокама
қилинди.

Музокаралар давомида корейлик
ҳамкорлар томонидан замонавий тиббиёт
технологияларини Ўзбекистонга тўғридан-тўғри
етказиб бериш имкониятлари яратилаётгани
таъкидланди. Бу борада ҳамкорликни
янада кенгайтириш юзасидан қатор
таклифлар илгари сурилди.

Шу билан бирга, Кореяда малака
ошириб қайтган мутахассисларнинг
Нурафшон шаҳрида ташқил этилаётган
тиббиёт кластерларида фаолият юритиши
белгиланди. Ушбу ташаббус вилоят
марказида юқори технологияли тиббий
хизматлар сифатини янги bosқичга олиб
чиқарганга хизмат қилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

VILOYAT bo'ylab

VILOYAT hokimligida viloyat hokimining
o'rinbosari Otabek Sultanbekov hamda
Xitoyning Jiangsu provinsiyasi Tashqi ishlar
idorasi direktorining o'rinbosari Jin Shangjun
o'rtasida muhim uchrashuv bo'lib o'tdi. Muloqotda
tomonlar hududlarda mavjud sport infratuzilmasini
yaxshilash, zamonaviy futbol maydonlarini
barpo etish va mavjudlarini rekonstruksiya
qilish masalalarini muhokama qildilar. Bu borada
xitoyliklar tajribasini o'rganish va uni amaliyotga
joriy etish yuzasidan fikr almashildi.

NURAFSHON shahar hokimi Ilhom Klichxanov
hamda Polsha davlatining Plotsk shahar meri
Andzej Novakovskiy boshchiligidagi delegatsiyani
qabul qildi. Uchrashuvda tomonlar savdo-iqtisodiy
aloqalarni kengaytirish, turizm, madaniyat va sport
sohalarida hamkorlikni rivojlantirish borasida
suhbatlashdilar. Muloqot chog'ida texnologiyalar
almashinuvi, qo'shma loyihalarni amalga oshirish
hamda mutaxassislar tayyorlash masalalariga
alohida e'tibor qaratildi.

PISKENT tumanida O'zbekiston Respublikasi
Bosh vazirining o'rinbosari, Oila va xotin-qizlar
qo'mitasi raisi Zulayho Mahkamova boshchiligidagi
pillachilikni rivojlantirishga qaratilgan seminar
o'tkazildi. Unda pillachilik sohasida Xitoy tajribasini
joriy etish, qurt urug'ini saqlash va tarqatishning
zamonaviy usullari, shuningdek, aholi bilan
ishlashning samarali mexanizmlari yuzasidan
batafsil ma'lumotlar berildi.

BO'STONLIQ tumanining "Yakkatut" mahallasida
"Cristal Education" o'quv markazi o'z faoliyatini
boshladi. Yosh ishbilarmon Komila Komiljonova
loyiha uchun ajratilgan 130 mln. so'm mablag'dan
samarali foydalanib, tumanning chekka hududlari
- "Novobod" va "Burchmulla" mahallalarida ham
ushbu o'quv markazining filiallarini ishga tushirgan.

ZANGIOTA tumanida nogironligi bo'lgan
shaxslar o'rtasida "Besh tashabbus paralimpiadasi"
musobaqalari o'tkazildi. Bellashuvlarda jami 439
nafar ishtirokchi qatnashib, ulardan 26 nafari
g'oliblikni qo'lga kiritdi. Bu kabi tadbirlar jamiyatda
inklyuzivlik muhitini mustahkamlash, nogironligi
bo'lgan fuqarolarni har tomonlama qo'llab-
quvvatlash va ularning jamiyatdagi o'rini yanada
mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Аёллар ҲАМИША ФАОЛ

Маҳаллалар ҳаёти

Юртимизда сўнгги йилларда аёлларнинг
жамиятдаги фаоллиги тора ортиб бораётгани
ҳар соҳада яққол кўзга ташланмоқда.
Улар нафақат давлат ишида самарали меҳнат
қилишмоқда, балки уйда ҳам қўшимча даромад
манбаларини яратишга интилишмоқда. Бу эса
маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожиди
муҳим аҳамият касб этмоқда.



2

Муносабат

МУҲОФАЗА САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизда аҳолини куз-
қиш мавсумида қишлоқ хўжали-
ги маҳсулотлари билан барқарор
таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш борасида изчил
ислохотлар амалга оширилмоқда.

2

СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

бугуннинг
қатъий
талаби



3



Жорий йилги форумда 35 давлатдан расмий делегациялар, бизнес вакиллари ва инвесторлар иштирок этмоқда. Кўргазмада 500 дан ортиқ компания ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари, инновацион ечимлари ва келажакка йўналтирилган истиқболли лойиҳалари билан қатнашмоқда. Бу рақамлар форумнинг халқаро нуфузи йил сайин ортиб бораётгани, унинг саноат соҳасидаги муҳим мулоқот майдонига айланаётганини кўрсатади.

Қарийб 1,8 гектар ҳудудда жойлашган экспозиция майдонларида машинасозлик, металлургия, электротехника, кимё саноати, транспорт, қурилиш материаллари, фармацевтика, ахборот технологиялари, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид юзлаб ишланмалар намойиш этилмоқда. Замонавий линиялар, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, робототехника ечимлари, энергия тежовчи қурилмалар ва рақамли технологиялар кўргазманинг энг катта қизиқиш уйғотган йўналишларидан бирига айланган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Айниқса, саноатда рақамлаштириш жараёни, "ақлли завод" моделлари, сунъий интеллект асосида ишловчи бошқарув тизимлари, логистика занжирларини оптималлаштирувчи дастурий маҳсулотлар иштирокчиларнинг эътибор маркази бўлди. Бу эса саноат соҳасида инновацияларни жорий этиш глобал тенденцияга айланганини яққол кўрсатмоқда.

Форум дастури доирасида нафақат кўргазмалар, балки пленар йиғилишлар, соҳавий сессиялар, давра суҳбатлари, тақдиротлар ва B2B форматдаги учрашувлар ҳам ташкил этилмоқда. Ушбу мулоқот майдонларида саноат соҳасидаги бугунги ҳолат, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари, инвестиция муҳитини яхшилаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, янги технологияларни жалб қилиш ҳамда таъминот занжирларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай мулоқот форматлари мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, саноат кооперациясини мус-

МУЗОКАРА ВА МАНФААТЛАР МАЙДОНИ



таҳкамлаш ва ишлаб чиқариш занжирларини бир-бирига боғлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий иқтисодий шароитда бир мамлакат доирасида чекланб қолмасдан, қўшма ишлаб чиқариш ва трансмиллий ҳамкорлик моделлари устувор аҳамият касб этмоқда.

Ушбу анжуманда Тошкент вилояти делегациясининг иштироки ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Вилоят вакиллари хорижий иштирокчилар, инвесторлар ва ҳамкорлар билан учрашувлар ўтказиб, саноат тармоқларидаги янги тенденциялар, истиқболли инвестиция лойиҳалари, технологик янгиланиш ҳамда кооперация имкониятлари юзасидан фикр алмашмоқда.

Форумнинг биринчи кунинда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, нуфузли меҳмонлар, хорижий инвесторлар ва бизнес вакиллари олдида нутқ сўзлади. Унда Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳияти, ҳудудда амалга оширилаётган кен қўламли саноат ишловлари, янги ишлаб чиқариш қувватлари, экспортбop маҳсулотлар ҳажмини ошириш

бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда сарможий имкониятлар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Шунингдек, ҳудуднинг қулай географик жойлашуви, пойтахтга яқинлиги, ривожланган транспорт-коммуникация тармоқлари, логистика инфрақурилиши, юқори меҳнат ресурслари салоҳияти ва тадбиркорлик учун яратилган қулай муҳит алоҳида таъкидланди. Бундай омиллар Тошкент вилоятини ички ва ташқи инвесторлар учун жозибадор ҳудудлардан бирига айналтираётгани қайд этилди.

Сўнгги йилларда вилоятда саноат зоналари, технопарклар, кичик саноат ҳудудлари ва янги ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш бўйича кен қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчиларида Бошқирдистон Республикаси ҳамкорлигида ташкил этилган

Бекобод технопаркиннинг маҳсулоти кўргазма зали ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Унда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, экспортбop товарлар, замонавий ускуналар ва



инновацион ишланмалар кенг намойиш қилинмоқда.

Бекобод технопарки экспозицияси орқали ҳудудда са-

ноатни маҳаллийлаштириш, технологик янгиланиш, ишлаб чиқариш занжирларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва ёш мутахассислар учун замонавий меҳнат муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур технопарк маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун янги кооперация имкониятларини ҳам тақдим этмоқда. У ерда ишлаб чиқаришни жойлаштириш, технология трансфери, муҳандислик хизматлари ва тайёр маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш бўйича қатор тақдиротлар билдирилмоқда.

Мутахассислар фикрича, "ИННОПРОМ. Марка-

платформасидир. Бу ерда имзоланаётган келишувлар кейинчалик янги қўшма корхоналар, инвестиция лойиҳалари, экспорт шартномалари, технологик модернизация дастурлари ва инновацион ташаббусларга асос бўлиб хизмат қилади.

Форум доирасида ўтказилаётган учрашувлар ва амалий музокаралар Тошкент вилояти учун ҳам янги ҳамкорлик йўналишларини очиб бериши кутилмоқда. Хусусан, хорижий сармоядорлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш, янги технологияларни жалб қилиш, экспорт бозорларини кенгайтириш, қўшимча қиймат занжирларини шакллантириш ва саноат кооперациясини мустаҳкамлаш бўйича қатор келишувларга эришиш кўзда тутилган.

Шу маънода, мазкур форум нафақат бугунги кун учун, балки келгуси йилларда минтақа иқтисодий тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу ерда бошланган ташаббуслар, ўрнатилган алоқалар ва имзоланган келишувлар келажакда минглаб янги иш ўринлари, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт ўсишига замин яратади.

Энг муҳими, ушбу нуфузли анжуман якунида минтақа давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаб, саноат тараққиёти ва инвестициявий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб бериши шубҳасиз.

Ўқтир Хошимов,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалпиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



МУҲОФАЗА САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 мартдаги "Аҳолини куз-қиш мавсумларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида "Сурхон-Агро" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ҳудудда фаолият олиб бораётган иссиқхона хўжалиқлари кенг имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши белгиланди. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Вазиirlар Маҳкамасининг шу йил 9 апрелдаги тегишли қарорига асосан, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Қўбрай, Янгийўл, Зангиота ва Тошкент туманларида 2026 йил 1 июндан бошлаб кўмир, мазут ва атмосферага зарарли ёқилгилардан фойдаланишни таъқиқлаш (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ланишни назарда тутувчи янги иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга рухсат берилмаслиги қатъий белгиланди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил 1 августдан иссиқхоналарга табиий газ етказиб бериш тўлиқ тўхтатилиши, амалдаги шартномалар эса белгиланган тартибда газ таъминоти ташкилотлари томонидан бекор қилиниши кўзда тутилган. Шунингдек, иссиқхоналар томонидан истеъмол қилинадиган сув ресурслари учун тўловлар энг юқори тарифнинг беш баробари миқдоридан ҳисобланиши жорий этилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат – атраф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларининг кучайтирилишидир. Жумладан, 2026 йил 1 августдан иссиқхоналарда ёқилги сифатида кўмир, шина, битум ва шунга ўхшаш материалларни ёқиш натижасида табиий муҳитни ифлослантиришни унчи компенсация тўловлари йиғирма баробарга оширилади. Бундан ташқари, бундай қоидабузарликка йўл қўйган тадбиркорлик субъектларига берилган экологик экспертиза

хулосалари қайта кўриб чиқилади.

Айни пайтда Тошкент вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси инспекторлари томонидан Тошкент шаҳрига туташ ҳудудларда жойлашган иссиқхона хўжалиқларининг масъул ходимлари билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Уларга янги тартиб-қоидалар мазмун-моҳияти етказилиб, амал қилиш юзасидан огоҳлантиришлар берилмоқда.

– Ҳозирги кунга қадар вилоятимиздаги 1 минг 638 та иссиқхона хўжалиги масъулларига тегишли тарзда огоҳлантиришлар тақдим этилди, – дейди вилоят Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси шўба бошлиғи Нуржан Нуриддинов. – Қайд этиш керакки, мазкур чора-тадбирлар нафақат қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, балки экологик барқарорлиқни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

НИГОРА ҲОЛИМОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Аёллар ҲАМИША ФАОЛ

Дилфуза Ҳорова Куйи Чирчиқ туманидаги "Тинчлик" маҳалласида истиқомат қилади. У тумандаги хусусий ифшоҳонада кичик тибиёт ходими бўлиб ишлайди. Ишдан бўш вақтида эса уйда сузмадан қурут тайёрлаб, дўконларга тарқатади. Бу иш билан 5 йилдан бери шуғулланади, ўрта ҳисобда ойига 20 килограмм қурут тайёрлайди.

– Аёл кишининг оила фаровонлигига ҳисса қўшиши нафақат иқтисодий ёрдам, балки фарзандлар тарбиясига ҳам ижобий таъсир қилади, – дейди Д.Ҳорова. – Болалар онасидан оила учун масъулиятни ҳис қилишни ўрганади. Мен оиламга фойдам тегаётганидан хурсандман.

Шу маҳалладаги 32-сонли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган Чарос Йўлдошева ҳам тинчиманган аёллардан. У ўқитувчилик касбидан ташқари, сунъий гуллардан ажойиб композициялар ясайди. Айтишича, табиатан гулларни яхши кўради, уйда ҳам турли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

гулларни парвариш қилади. Бу хунарни интернет орқали қизиқиш, бугунги кунда қўшимча даромад манбаига айлантирган. Айниқса, байрам кунлари буюртмалари кўпайиб, қўли-қўлига тегмайди. Ҳатто қўшни Оққўрғон туманидан ҳам харидорлари бор.

– Ҳар бир аёл ўзининг қизиқиши ва қобилиятини юзага чиқариши керак, – дейди Чарос Йўлдошева. – Аввалига арзиммагандек туюлган иш ҳам вақт ўтиб яхши натижа бериши мумкин. Фикримча, аёллар ўз имкониятларини синаб қўришдан чўчмасликлари керак. Қолаверса, сеvimли машғулот билан шуғулланиш кишига руҳий қувват ҳам беради.

– Маҳалламизда 3 минг 256 нафар аҳоли истиқомат қилади, шундан 1 минг 656 нафари аёллар, – дейди маҳалла хо-



тин-қизлар фаоли Саида Азимбоева. – Уларнинг бандлигини таъминлаш ва жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Улар учун касб-хунарга ўргатиш курслари ташкил этилмоқда, тадбиркорликка қизиққан аёлларга маслаҳат ва амалий ёрдамлар берилмоқда. Шунингдек, уй шароитида ишлаш имкониятларини кенгайтириб, ташаббуслари кўллаб-қувватланмоқда. Бу орқали оилаларнинг даромади кўпайиб, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамланмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аёллар нафақат оила доирасида, балки жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этишмоқда. Улар ўз меҳнати, интилиши ва янги гоғалари орқали иқтисодий барқарорликка, маҳалла ривожига ҳисса қўшишмоқда. Бу жараёни кўллаб-қувватлаш орқали жамиятда янада барқарор ва фаровон муҳит шаклланди.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар

ИННОВАЦИОН ИСЛОҲОТЛАР – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Баҳорнинг ҳар бир кунини ғанимат эканлигини англаган Тошкент тумани деҳқонлари далаларда ушоққоқлик кўрсатишмоқда. Хусусан, ҳудудда ташкил этилган "Фермерлар кўни" тадбири шунчаки учрашув эмас, балки соҳа вакиллари учун ўзига хос тажриба мактабига айланган.

Қишлоқ хўжалиги

Мулоқотда масъуллар иш-тироқида эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқидий таҳлил қилинди.

Тадбирда асосий эътибор ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда бажаришга қаратилди. Мутахассислар қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига мурожаат қилар экан, замонавий ресурс тежамкор



технологияларни жорий этиш орқали экспорт ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас талаби эканини алоҳида таъкидлади. Зеро, инновация кирган соҳада бароқ ва ривожланиш бўлиши шубҳасиздир.

Жумладан, "НИЛО АГРО EXPORT" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Х.Азимов томонидан намойиш этилган интенсив усулдаги қулупнай,


пиёз ва брокколи етиштириш тажрибаси кўпчиликти катта қизиқиш уйғотди. Томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланаётган бу маҳсулотлар нафақат сифати, балки халқаро бозорлардаги харидорлиғи билан ҳам ажралиб туради. Дала ўртасида ташкил этилган ушбу ўқув-семинар иштирокчилар учун назарий билимларни амалиёт билан боғлаш имконини берди.

Айни кунларда туманда 2026 йил ҳосили учун экин экиш ишлари амалга ошириляпти. Жумладан, 1 минг 400 гектар майдонга турли сабзавотлар, минг гектардан ортиқ ҳудудга картошка ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилиб, парваришланмоқда. Бу ишлар "Навойи миришкор", "Кўктерак ҳосилот файз", "Ғуломмаҳмуд барака", "Ғишт-кўприк агро", "Тош-Тўлабий", "Ҳасаналли агро нур" хўжалиқларида изчил давом этмоқда. Бундан ташқари, ҳудудда 1 минг 325 гектар мева боғлари ҳамда 786 гектар тоқзорлар ҳам мавжуд бўлиб, улар баҳорги совуқлардан ҳимоя қилинмоқда. Чунки айни даврдаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир қуртак келгуси ҳосилнинг пойдевори ҳисобланади.

Семинар якунида савол-жавоблар ва қизгин баҳслар орқали фермерлар ўзларини қийнаётган масалаларга ечим топишди.

Ўз мухбиримиз

СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БУГУННИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ



билан юқори самарага эришиш имконини беради.

– Замонавий суғориш технологиялари жорий этилган майдонларда меҳнат унумдорлиги ошириб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда, – дейди Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Қурбанов. – Энг муҳими, сув тежалмоқда. Бу каби тизимли тадбирлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экологик барқарорликни мустақамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, фермер ва деҳқонларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, субсидия ва имтиёзлар ажратиш самарадорлигини янада оширишга замин яратмоқда.

Зеро, бу саъй-ҳаракатлар халқ фаровонлиги, ер баракаси ва келажак авлодлар манфаатига хизмат қилиш билан бирга аграр соҳа ривожини таъминлайди.

Нигора УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Муаллиф олан суратлар

Бугун юртимизда сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айниқса, глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигида замонавий, тежамкор технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Бу борада вилоятимизда ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

▼ Ислоҳот

Маълумотларга кўра, 2026 йилда вилоятда жами 41 минг 642 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш режалаштирилган. Жумладан, 9 минг 700 гектарда томчилатиб, 3 минг гектарда ёмғирлатиб, 2 минг 200 гектарда дискрет усулда суғориш амалга оширилади. Шунингдек, 6 минг 742 гектарда эгратларга плёнка тўшаб, 5 минг гектарда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ҳамда 15 минг гектар майдонда ерларни лазерли текислаш режага киритилган.

Бугунги кунга қадар эса 20 минг 754 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, шундан 1 минг 315 гектарда томчилатиб, 2 минг 500 гектарда ёмғир-

латиб, 550 гектарда дискрет суғориш технологиялари ўрнатилди. 1 минг 100 гектар майдонда эгилувчан қувурлар ва эгратларга плёнка тўшаб ишлари бажарилди. 15 минг 238 гектар ер лазерли текисланди.

Аҳамиятлиси, бу каби замонавий технологиялар сув сарфини 30-40 фоизгача камайтириш, ҳосилдорликни сезиларли даражада ошириш имконини беради. Натيجида фермер ва деҳқонларнинг даромади кўпайиб, ер унумдорлиги ортмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, томчилатиб суғориш ҳар бир ўсимлик илдизига сувни аниқ

меъёрада етказиб беради. Ёмғирлатиб суғориш эса сувни бир текис тақсимлайди. Лазерли текислаш ер майдонини мутаносиб ҳолатга келтириб, сув исроф бўлишининг олдини олади. Бу эса кам харажат

▼ Коррупция – иллат

ҲАЛОЛЛИК, ОЧИҚЛИК ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бугунги глобаллашув даврида ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожини, энг аввало, бошқарув тизимининг шаффоқлиги ва адолат тамойилларига қанчалик амал қилинишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, коррупцияга қарши курашиш масаласи нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳам устувор йўналишига айланган.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳалоллик ва очиқликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу йўналиш нафақат иқтисодиёт, балки озиқ-овқат хавфсизлиги билан ҳам беvosита боғлиқ. Шу боис Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда инсон омиллини минималлаштиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан бу борада тизимли ёндашув йўлга қўйилган. Хусусан, хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва давлат хизматларини босқичма-босқич рақамлаштириш орқали очиқликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натيجида тадбиркорлар ва фермер хўжаликларини учун қўлай ва шаффоқ муҳит яратилмоқда.

Рақамлаштириш жараёнлари эса коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ишга туширилган электрон хизматлар инсон омиллини қисқартиришга, қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш орқали эса тизимда адолатни таъминлашга эришилмоқда.

Бундан ташқари, бошқарма ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Мунтазам равишда ўтказилаётган семинар ва тарғибот тадбирларида коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти кенг тушултирилмоқда. Бу эса ходимларда нафақат қонунларга ҳурматни, балки касбий масъулиятни ҳам мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Бошқармада фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими ҳам сезиларли даражада такомиллаштирилган. "Ишонч телефонлари" ва электрон платформалар орқали келиб тушаётган ҳар бир мурожаат синчковлик билан ўрганилиб, текзор ва адолатли ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини янада мустақамлашга шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши кураш – бу фақатгина давлат органларининг вазифаси эмас, балки ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Ҳалоллик, очиқлик ва қонун устуворлиги қарор топган жамиятдагина ҳақиқий тараққиётга эришиш мумкин. Бошқарманинг томонидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, адолатли тизим – барқарор келажак гаровидир.

Баҳриддин САЙФИЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
Тошкент вилояти бошқармаси коррупцияга
қарши кураш бўйича бош мутахассиси

▼ Назорат

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Олмалик шаҳрида кўп квартиралар уйларида хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари (БСК) фаолияти юзасидан навбатдаги мониторинг тадбирлари ўтказилди.



Абдулазиз МУСАЕВ

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ(МИ?)

Жараёнда масъуллар томонидан айрим кўп квартиралар уйларида электр шитлари кўздан кечирилганда, уларнинг техник ҳолати қониқарсиз экани, очиқ ва қаровсиз қолиб кетгани ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда фойдаланилаётгани аниқланди.

Шунингдек, БСКнинг хўжалик молларини сақлаш учун мўлжалланган омборхонаси текширилганда мазкур бино белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ўрнига турли маиший чиркидилар ва қурилиш қолдиқлари билан тўлдирилиб, мутлақо тартибсиз, антисанитария ҳолатида экани маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар юзасидан масъулларга тегишли чоралар қўрилиб, аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш ҳамда ҳудудни тартибга келтириш бўйича мажбурий кўрсатмалар берилди.

▼ Хотира

Жорий йил Оҳангарон шаҳри ташкил этилганига олтинчи йил тўлади. Албатта, бу тарих учун катта муддат эмас. Бироқ шу қисқа давр ичида кечган ўзгаришлар, амалга оширилган бунёдкорликлар бу йилларни маъно-мазмунга тўлдиради.

Бундан олтинчи йил муқаддам бор-йўғи икки-уч минг аҳоли яшаган кичик Хонобод қишлоғи ўрнида бугун аҳолиси эллик мингга яқинлашган, гўзал ва навқирон Оҳангарон шаҳри қад ростирилганини кўриб, ҳар қандай инсоннинг қалбида ифтихор туйғуси уйғонади. Бу гўша менинг кўз ўнгимда шаклланди, улғайди, чирой очди. Чунки 1966 йил 27 декабрь – шаҳар ташкил топган кунини мен ҳам ҳаётимнинг ўн олтинчи баҳорига қадам қўяётган эдим.

Дастлаб бир ва икки қаватли уйлари, сўнг тўрт қаватли бинолар қурилди. Шу билан бирга шаҳарнинг шимолий қисмида йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар бирин-кетин ишга туширилди. Ана шу корхоналар секин-аста Оҳангароннинг иқтисодий юрагига айланди. Улар минглаб ёшларга иш, орзу ва келажак берди.

Айниқса, Илёсхон Аҳроров, Александр Расулов ва Олимжон Жўраев каби раҳбарлар халқ меҳрини қозongan, ўз меҳнати билан эл ҳурмати

БУ ШУНЧАКИ ЎТМИШ ЭМАС...



сазовор бўлган шахслар сифатида ёдда қолган. Қолаверса, саноат корхоналарида фаолият юритган фидойи раҳбарлар – Михаил Буджерак, Александр Фёдоров, Василий Березной, Шавкат Мусаев, Хилол Юнусов, Лев Пляк, Абдухалим Муталов, Зайнитдин Мусаев, Мирҳомид Комилов кабилар билан ҳам касбий фаолиятим давомида кўп бор мулоқотда бўлганман. Уларнинг меҳнати, интилиши ва масъулияти ҳақида мақолалар ёзганман.

Аммо "Оҳангароншиффер" акциядорлик жамияти тарихида алоҳида саҳифа очган икки шахс борки, уларнинг номи бугун ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Улар – Ураимкул Ирискулов ва Исмоил Исматов.

У.Ирискулов – табиатан қатъиятли, адолатпарвар ва узоқни кўра билган

раҳбар эди. У илк кунлардан ошга шижоат билан киришиб, корхонанинг иқтисодий пойдеворини мустақамлашди. Унинг раҳбарлиги даврида корхона нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича, балки ижтимоий ҳаётдаги иштироки билан ҳам ажралиб турарди. Ишчилар учун уй-жойлар қурилди, дам олиш масканлари ташкил этилди, ишлаб чиқариш ҳажми эса йил сайин ортиб борди.

Исмоил Исматов эса янги давр раҳбари сифатида майдонга кириб келди. У ёш бўлишига қарамай, қисқа вақт ичида жамоани эргаштириб олди, ишлаб чиқаришни янги босқичга кўтарди. Корхонада интизом мустақамланди, маошлар оширилди, рағбатлантириш тизими жорий этилди. Модернизация ва янги иш ўринлари яратиш учун устувор вазифа эди.

Унинг ташаббуси билан шаҳар ижтимоий ҳаётида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Мактаб, боғча, тиббиёт муассасаларига кўрсатилган амалий ёрдам бугун ҳам халқ хотирасида сақланиб қолган.

Афсуски, ҳар икки раҳбарнинг тақдирида ҳам оғир синовлар бор экан. Уларнинг фаолияти турли сабаблар билан тўхтатилди. Шу билан бирга,

▼ Loyiha

КО'CHAT YETISHTIRISHDA YANGI TASHABBUS

Ayni kunlarda mamlakatimiz bo'ylab "Yashil makon" umummilliy loyihasi doriasida ko'chat ekish ishlari qizg'in davom etmoqda. Bir necha yillardan buyon davom etayotgan mazkur xayrli tashabbus natijasida yurtimizda yashil hududlar maydoni sezilarli darajada kengaydi. Shu bilan birga, ekilgan ko'chatlarning hammasi ham ko'karmayotgani ayni haqiqatdir. Bunga asosiy sabablardan biri – ko'chatlarning plastik tuvalarda saqlanayotganidir.

Bugun ko'chat yetishtirish jarayonida plastik va polietilen idishlardan keng foydalanilmoqda. Bunday idishlar amaliy jihatdan qulay bo'lsa-da, ular-

sida tayyorlanadi. Uning asosiy xususiyatlaridan biri – namlikni yaxshi saqlaydi va issiqlikni ushlab turadi. Bu esa ko'chat ildizining sog'lom rivojlanishi uchun qulay sharoit degani. Eng muhimi, ko'chatni ochiq yerga o'tkazishda uni plastik idishdan ajratib olish talab etilmaydi. U ko'chat bilan birga ekiladi va vaqt o'tishi bilan tuproqda tabiiy ravishda parchalanadi. Ildiz tizimi shikastlanmaydi, o'simlik yangi muhitga tezroq moslashadi.

Bugungi kunda bozorda torf yoki kokos tolalaridan tayyorlangan ko'chat idishlari ham mavjud. Biroq qo'y junidan tayyorlanadigan idishlar bir qator jihatlari bilan ulardan farq qiladi. Avvalo, qo'y juni tabiiy issiqlik izolyatori hisoblanadi. Bu xususiyat



ning ekologik ta'siri jiddiy muammolarni keltirib chiqarmoqda. Plastik materiallar tuproqda uzoq yillar davomida parchalanmaydi, natijada atrof-muhit ifloslanadi. Qolaversa, ko'chatlarni ochiq yerga ko'chirish jarayonida idishdan ajratish vaqtida ildiz qismining shikastlanishi ham kuzatiladi. Bu esa o'simlikning yangi sharoitga moslashishini qiyinlashtirib, rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Qishloq xo'jaligida kuzatilayotgan bunday muammolar ekologik jihatdan xavfsiz va samarali muqobil yechimlarni izlash zaruratini yuzaga keltirmoqda. Ayniqsa, mahalliy xomashyoga asoslangan innovasion g'oyalar bu borada muhim ahamiyat kasb etadi.

Shu maqsadda biz WoolGrow loyihasini ishlab chiqdik. Mazkur loyiha qo'y junidan tayyorlangan biologik parchalanadigan ko'chat idishlarini ishlab chiqarish bo'lib, bu qishloq xo'jaligida ekologik barqarorlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

Ushbu mahsulot tabiiy qo'y junidan maxsus texnologiya asosida tayyorlanadi. Uning asosiy xususiyatlaridan biri – namlikni yaxshi saqlaydi va issiqlikni ushlab turadi. Bu esa ko'chat ildizining sog'lom rivojlanishi uchun qulay sharoit degani. Eng muhimi, ko'chatni ochiq yerga o'tkazishda uni plastik idishdan ajratib olish talab etilmaydi. U ko'chat bilan birga ekiladi va vaqt o'tishi bilan tuproqda tabiiy ravishda parchalanadi. Ildiz tizimi shikastlanmaydi, o'simlik yangi muhitga tezroq moslashadi.

Hisob-kitoblarga ko'ra, loyiha uchun kiritilgan investitsiya 6-8 oy ichida o'zini to'la qoplaydi.

Bugungi kunda ekologik muammolar tobora dolzarb tus olayotgan bir paytda qishloq xo'jaligida bu kabi yechimlar plastik chiqindilarni kamaytirish, mahalliy xom ashyodan samarali foydalanish hamda ekologik madaniyatni rivojlantirishda qo'l keladi.

Seviona IRZAKULOVA,
TDAU talabasi

ayniqsa, sovuq mavsumda yoki issiqxonada sharoitida ildiz atrofida haroratni barqaror saqlash imkonini beradi.

Bundan tashqari, loyiha mahalliy xomashyoga asosida ishlab chiqarilishi bilan ham ahamiyatlidir. Qo'y junidan foydalanish chorvachilik mahsulotlaridan samarali foyda olish imkonini yaratadi hamda mahsulot tan-narxini pasaytirishga xizmat qiladi. Eng asosiysi, plastik idishlar tuproqda yuzlab yillar davomida saqlanib qolsa, WoolGrow tuproqqa singib, o'simlik uchun qo'shimcha ozuqa manbaiga aylanadi.

Hisob-kitoblarga ko'ra, loyiha uchun kiritilgan investitsiya 6-8 oy ichida o'zini to'la qoplaydi.

Bugungi kunda ekologik muammolar tobora dolzarb tus olayotgan bir paytda qishloq xo'jaligida bu kabi yechimlar plastik chiqindilarni kamaytirish, mahalliy xom ashyodan samarali foydalanish hamda ekologik madaniyatni rivojlantirishda qo'l keladi.

Seviona IRZAKULOVA,
TDAU talabasi

Тошкент туманида жойлашган ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида "Ватанга қасамёд" тадбири бўлиб ўтди.

Юртга хизмат – ОЛИЙ ШАРАФ



▼ Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

Ҳарбий хизматга келган аскарлар, уларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан масъуллар ёшларга самимий тилакларини билдиришди. Саф майдонида қад ростлаб турган йигитларнинг юзида

ги шижоатдан улар Ўзбекистоннинг ишончли ва енгилмас ўғлонлари эканини англаш мумкин. Бундай тан-

танавор шодиёна Ватан ҳимоясига отланган ҳар бир ўғлон ҳаётида эсда қолиши фахр билан таъкидланди.

Тадбирда фахрийлар, ота-оналар юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишга бел боғлаган ўғлонларни табриклаб, омад тилашди.

Шундан сўнг муддатли ҳарбий хизматчилар қасамёд қилишди.

Яқунда ҳарбийларнинг қўргазмали чиқишлари, концерт дастури намойиш этилди.

Абдулазиз МУСАЕВ



Унда ДХХ чегара қўшинлари раҳбарияти, фахрийлар, Тошкент тумани ҳокимлиги масъуллари, муддатли

▼ Спорт куни



Майдонда отахонлар

Президентимизнинг ташаббуси билан ҳафтада бир кун – "Спорт куни" деб эълон қилиниши юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Бука тумани маҳаллаларида ҳам турли спорт тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Эътиборлиси, мазкур мусобақаларда нафақат ёшлар, балки нуроний отахонлар ва аҳолининг турли қатлам вакиллари ҳам фаол

иштирок этишмоқда. Бу эса жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, авлодлар ўртасида спорт орқали яқинлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз мухбиримиз



Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA
Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Mehridin IBRAGIMOV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20.00.

Bosishga topshirildi – 20.20.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-435.

8 378 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tahir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.



▼ Хафталик

Китоб – МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

VI Республика китобхонлик ҳафталиги доирасида Паркент тумани Аxbорот-кутубхона маркази томонидан тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабида "Илҳом ва ижод уйғунлиги" номи маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. "Китобсевар миллат" шiori остида ўтказилган тадбирда тумандаги 7-, 8-, 30-, 40-, 47-мактаблар, 53-сонли "Қалқон жасорат мактаби" ҳамда "Бувижонлар мактаби" жамоалари фаол иштирок этишди.

– Китоблар ўтмиш ва бугунни боғлаб, келажакка йўл кўрсатувчи мустақам кўприк вазифасини бажаради, – дейди марказ директори Муҳайё Аҳмедова. – Кутубхона эса ана шу маънавий бойликлар жамланган маскан бўлиб, у нафақат билим манбаи, балки тарбия ва маънавият ўчоғи ҳамдир.

Ўз мухбиримиз

▼ Сабоқ

ҲЕЧ ҚАЧОН "НЕГА МЕН?" ДЕМАЙМАН...

Теннис бўйича Уимблдон турнирининг биринчи қора танли чемпиони Артур Аше ОИТС касалига чалинади. У узоқ вақт ўлим тушади қолади.

"Нега Худо бундай ёмон касаллик учун айнан сизни танлади?", деб сўради мухлисларидан бири ўлим билан курашаётган Ашедан.

Теннисчи шундай жавоб берди: "Тасаввур қилинг, бутун дунёда 50 миллион бола теннис уйнашга қизиқади. Улардан 5 миллиони теннис уйнашни ўрганади, 500 минги профессионал теннисчига айланади, 50 минги мусобақаларга қатнашади, 5 минги катта турнирларга, 50 нафари Уимблдонга, 4 нафари ярим финалга, 2 нафари финалга чиқади. Мен илк бор чемпионлик кубогини қўлимга олганимда Худодан "Нега мен?" деб сўрамаганман. Энди оғриқ ичида, қандай қилиб Худого: "Нега мен?", деб эътироз билдираман?"

Дониёржон онасига эргашиб Хуснора холасиникига келди. Бу ерда тенгқури йўқ экан, дарров зерикди. Дарвозадан катта йўлга қаради. Аксига олиб йўл ҳам, уйлар олдидаги озроқ ялангликлар ҳам хувиллаб ётибди. Бирдан ўзининг сершовқин шаҳарчасини кўмсади. У ерда тенгқур болакайлар кўп, дарров тил топишиб уйнаб кетишарди.

Хуснора зийрак аёл. Синглисининг ўғилчаси зерикиб ўзини ҳар ёққа уряпти. Уйнай, сўзлашай, деса бола йўқ. Қишлоқ-да, ҳамма оёққа туриб қолган бола-бақрасини етаклаб олганча далага кетади, ҳарна бирор ишга солади.

Ётоқхонадан эркак кишининг шовқин билан акса ургани эшитилди. Хуснора кўрқанидан тошдек қотди. Эрталаб эртароқ уйғот деганди эри. Синглиси билан андармон бўлиб хаёлидан кўтарилибди. Ётоқдан филдай пишқириб Болтабой чиқди. Эғнида майка, елкасига оҳори тўкилган сочиқни ташлаб олганча хотинига ўшқирди:

– Хой, товукмия, мени нега уйғотмадинг, улфатлар сойда кутавериб саргайиб кетгандир!

Болтабойнинг кўзи қайсинглиси Моҳларойга тушди-ю, сал ҳовури пасайди. Бош ирғаб сўрашган бўлди. Беш ёшга тўлган Дониёржон бир чеккада қовоқларини уйганча ҳаддан ташқари семириб, бесўнақай қорин қўйиб юборган одамга ҳадиқда тикилиб турарди.

– Э, зумраша, сенам келган экансан-да! Менга айиққа қарагандай қараялсанми?

Моҳларойга бўйинини қийшайтириб сўз қотди:

– Божам яхши юрибдимми? Жуда камнамо. Бутун дунёнинг ишини елкасига ортолганми дейман. Қорасини кўрсатмайди.

– Нега ундай дейсиз, почча? Иш билан андармон бўлиб юрибдилар-да. Ҳали замон нафақага чиқсалар...

Болтабой қайсинглиси билан

суҳбатга нуқта қўйиб водопровод томон юрди. Юзини юйиб, артинди. Яна хотинига ўдағайлади:

– Тўр қани, овсар, нега йўлимга чиқариб қўймадинг?
– Мана ҳозир... – Хуснора оғилхона томон чоққиллаб кетди.

Эр тўр солинган қопни елкасига ортанча дарвозага яқинлашаркан, журъатсиз бир сас уни оғриниб орқага қарашга мажбур қилди.

– Амаки, мениям олиб кетинг. Сой бўйида балиқларни томоша қилиб ўтираман.



(ҲИКОЯ)

ОМОНАТ

– Адажониси, шугинани ола кетақолинг. Бу ерда уйнашга бола йўқ, зерикапти, – Хуснора эрига ялинганча термулди.

– Ёш бола нарса, томошага бало борми? У ерда оғайнилар зиёфат қилишяпти. Яна сой-пойга тушиб кетиб...

– Ниятни яхши қилинг-а, гапингизни ел учирсин, илойим.

Дониёржон яна шоша-пиша амакисига ялина бошлади:

– Соё бўйида қимирламай ўтираман, ишонинг, амаки...

Болтабой оммаши:

– Бўпти, юрақол, бизларга дастёрлик қиласан.

– Хўп, – деди болакай амакиси кўнганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб. – Ҳамма ишни қилавераман.

Моҳият

вазифани хоҳлаб амалга оширишдадир.

Лев Толстой
* Мен оёқ кийимим йўқлигидан қийналардим, оёқсиз одамни кўрмагунимча.

Лоуренс Питер
* Тежамкорлик – бу ўзингизга керак бўлмаган нарсани арзон нархда сотиб олмаслик санъатидир.

Бернард Шоу

* Кечирини ўрганинг, ахир бу кучли инсонларга хосдир. Заиф инсонлар ҳеч қачон кечирмайди.

Махатма Ганди
* Муваффақият – бу бир мағлубиятдан иккинчисига ғайратни йўқотмасдан ўта олиш қобилиятидир.

Уинстон Черчилль



(ҲИКОЯ)

Моҳларой Дониёржонни маҳкам бағрига босганча юз-кўзларидан ўлди:

– Эҳтиёт бўлгин-а, болажоним! – Она юраги бир хатарни сезгандек титраб кетди.

Сой бўйида тўрт киши қирқ ямоқ палос устида ёнбошлаб ётарди. Дастурхонда икки буханка нон, тузламалар. Тўрт шиша ароқдан биттаси аллақачон бўшаб сой қирғоғида думалаб ётар, кироий базм бошлаб юборилганди.

– Келардинг-да, – ёнбошлаб

– Сенда ҳаммаси қиз эди-ку! Бу болани қаердан ортирдиринг? – Божамнинг ўғли, – деди Болтабой пиёла тўла ароқни бир кўтаришда симираган экан.

– Ё тавба, бола сенга қўйиб қўйгандай ўхшайдимми-а? – хиринглади улфатлардан яна бири оғзини кавушдай очиб.

– Ҳа энди, қайсинглиси опаси йўғида уйига келиб қолган бўлса...

Болтабойнинг бирдан зардаси қайнади. Ароқнинг аччиғини сезмай оғзидаги газакни четга туфлаб юборди. Олдидаги бўш пиёлани улфатининг башарасига отди. Пиёла хумдай каллага тегиб "чил-чил" синди. Бирдан тўполон бошланди. Болтабойни ётқизиб олиб тепишар, болаҳонадор қилиб сўқишарди. Дониёржон ўғрилиб қараса, амакисини обдон тепишяпти. Болакайнинг бирдан раҳми келди. Ҳимоя учун даст ўрнидан турди. Энди юрганида оёғи турнинг йўғон ипига уралаб йиқилди. Сўнг думалаганча сойга тушиб кетди. "Амаки", деган илтижолу сас сой бўйлаб ёйилди. Бу пайт амакиси эшитадиган аҳволда эмасди.

Калтаклашдан чарчаган улфатлар сойдаги тўрға қарашди. Болакай негадир кўзга ташланмади. Тўр эса сувдан бир кўтарилар, кейин яна тушар, пичоққа илинмайдиган майда балиқчалар қафасга тушган қушдай гижгон уйнашарди. Дониёржоннинг жонсиз танаси эса сувда бир кўриниб-кўринмай қолган эди...

Болтабой калтаклардан сўнг бошини кўтариб сойга тикилди-да, шердай наъра тортиб юборди:

– Оҳ, у менга омонат эди-ку!

Ер-у осмон бир силкингандек бўлди. Болтабой ичкилик таъсирида оёғида туролмай юз тубан йиқилдию, бошқа турмади.

Ароқдан бўшаган шишалар у ер-бу ерда думалаб ётар, улфатлар оғир жангдан сўнг мириқиб, ҳеч қандай ҳодиса бўлмагандай хуррак отиб ухлашар эди...

Собирижон ИНОМОВ